

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Харид комиссиясининг раиси,
Юқори Чирчиқ туман
Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи



“ 24 ” Май 2022 йил

2022 йилда Тошкент шаҳар Юқори Чирчиқ туман Ободонлаштириш бошқармаси буюртмачилигида Обод-Қишлоқ 2022йил объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш орқали, танлаш бўйича

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ
(РЕГЛАМЕНТ)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ўРҚ-684-сон Қонунини талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси коллегиял орган ва Энг яхши таклифларни танлашнинг асосий қатнашчиси (*Энг яхши таклифларни танлаш савдоларини ўтказиш жараёнининг доимий ёки вақтинчалик органи*) ҳисобланиб, буюртмачи (*инвестор*) томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланади, Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишга ваколатлидир.

1.3. Мазкур харид комиссияси Юқори Чирчиқ туман Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 17 Майдаги 2022 й 28-сон буйруғи билан тасдиқланган.

II. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг дастлабки йиғилиши Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

- Энг яхши таклифларни танлаш ва қатнашчиларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини, таклифни жойлаш шартлари ва талабларини;
- таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;
- Энг яхши таклифларни танлашда қатнашишга буюртмаёномаларни таъминлаш шаклини;
- таклифни қабул қилишнинг мудатини, таклифларни кўриб чиқиш мудатини, бунда махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кам бўлмаслиги шарт.

2.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 1-иловада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайси бир Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчисига устунлик берувчи Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси барча объектларни Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ таклифларни ўрганади, текширади ва

кўриб чиқади, Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

2.6. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ҳар бир объект бўйича комиссия раиси ва иштирок этган барча комиссия аъзолари томонидан электрон имзо орқали тасдиқланадиган баённомалар юритилади.

III. МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ, ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ

3.1. Барча таклифлар харид комиссияси томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Малакавий ҳужжатлар ва уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг молиявий таклифлари инobatга олинмайди.

3.3. Малакавий ҳужжатлар тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси қатнашчиларнинг малака кўрсаткичларини баҳолашда барча комиссия аъзолари алохида, шу билан бирга ишчи гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар берилади.

3.6. Малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади.

3.7. Агар қатнашчининг таклифи кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, харид комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир таклифнинг кейинги босқичларга ўтиши учун Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси 60 балл ва ундан юқори балл тўплаши керак, ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа ҳулоса ва қарорлари, овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

IV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАР, ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, БАҲОЛАШ ВА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Молиявий такливлар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Молиявий такливлар, уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак;

- арифметик хатолар текширилади.

4.2. Молиявий такливлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

4.3. Энг маъбул таклиф қилган нархи бўйича қатнашчи энг юқори яъни 35 балл, бажариш муддати буюртмачи белгилаган муддатга мос ёки ундан кам бўлса 5 балл билан баҳоланади, қолган иштирокчиларнинг баллари интерполяция усулида аниқланади.

4.4. Таклифларда таклиф этилган нархни ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш тақиқланади.

4.5. Савдолар туридан қатъи назар, Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда Энг яхши таклифларни танлаш шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

4.6. Харид комиссиясининг овоз бериш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.7. Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниклаш бўйича харид комиссиясининг қарори махсус ахборот порталида эълон қилинади.

4.8. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади. Энг яхши таклифларни танлаш тартибида келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси, Энг яхши таклифларни танлаш бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ва қарорлар юзасидан шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмачилигида 2022 йилдаги объектларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 бараваригача бўлган барча Энг яхши таклифларни танлаш харидлари бўйича Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини техник баҳолаш мезонлари


Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи	Баллар миқдори	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари		
I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.					
1-шакл (19 балл)					
1.	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	4			
2.	3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга муҳандис ва архитектор ходимларни мавжудлиги.	3			
3.	Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош муҳандисини мавжудлиги.	3			
4.	Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош архитекторини мавжудлиги.	3			
5.	Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчи ходимлар (мутахассислар) мавжудлиги.	3			
6.	Ходимларнинг ўртача сони 7 кишидан кам бўлмаган.	3			
II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи.					
2 ва 4-шакллар (34 балл)					
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.	6			
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги.	6			
3.	Охириги йилда 100 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги.	5			
4.	Иш ҳақи фонди 100 млн. Сўм ва ундан юқори	4			
5.	Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп.	4			
6.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп.	3			
7.	Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).	6			
III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси*					
3-шакл (19 балл)					
1.	19	6			
2.	Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.	13			
IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати, 5-шакл (26 балл)					
1.	26	6			
2.	Сметаларни ҳисоблаб чиқишда қўллаш учун дастурий комплекс (ABC4-uz) 1 та	5			
3.	Плоттер 1 та	4			
4.	Принтер ва нусха кўпайтириш техникаси 2 та ва ундан кўп	4			
5.	Ўлчов асбоблари (шагомер, метр) 1 та	6			

6.	Автомобиль 1 та	4			
VI. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл (2 балл)					
1.	Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги	2			

Юқоридагиларни тўғри деб имзо чекувчилар:

Харид комиссияси раиси:


Юқори Чирчиқ туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиги



Якубходжаев С С


Харид комиссияси аъзолари:

Юқори Чирчиқ туман ободонлаштириш бошқармаси бош мухандиси




Нишонбоев А А

Юқори Чирчиқ туман ободонлаштириш бошқармаси бўлим бошлиги




Толаев З

Юқори Чирчиқ туман ободонлаштириш бошқармаси бўлим бошлиги



Тулаганов Б

Юқори Чирчиқ туман ободонлаштириш бошқармаси техник



Турабоев А

I



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI
YUQORI CHIRCHIQ TUMAN HOKIMINING
F A R M O Y I S H I**

111900 Yangibozor qo‘rg‘oni, Mustaqillik ko‘chasi-78 uy

2022 - yil 27 - aprel

63-10-145-F/22

Yuqorichirchiq tuman hokimligi

Mablag‘ ajratish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagi “2022-2026-yillarda “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-172-sonli, Toshkent viloyati hokimining 2022 yil 25 martdagi 200-10-0-Q/22-sonli qarorlari, Toshkent viloyati hokimligining 2022 yil 26 apreldagi 3-5-71-sonli hatii ijrosi hamda tuman hokimi o‘rinbosarining bildirgisini inobatga olib:

1.2021 yil yakuni bilan shakllangan erkin qoldiq mablag‘lari qismidan hisobidan tumanimizda «Obod qishloq» dasturi doirasida piyoda yo‘laklarini qurish va ta‘mirlash, tungi ko‘cha yoritish tizimini yaxshilash, sug‘orish quduqlari qazish va ta‘mirlash hamda ichki irrigatsiya tarmoqlarini qurish va ta‘mirlash loyiha-smeta harajatlari uchun tuman hokimligi orqali Toshkent viloyati «Obod qishloq» jamg‘armasiga **51 800.0** (Ellik bir million sakkiz yuz) ming so‘m mablag‘ ajratilsin.

2.Tuman Moliya bo‘limi (B.Ibragimov) ajratilgan mablag‘lar bo‘yicha tegishli tartibda harajatlar smetasiga o‘zgartirish kiritishni ta‘minlasin.

3. Tuman G‘aznachilik bo‘linmasi (A.Mirzaqulov) ajratilgan mablag‘larni belgilangan tartibda o‘tkazilishini ta‘minlasin.

4. Tuman hokimligi bosh hisobchisi (B.Pirmatova) ajratilgan mablag‘ni maqsadli sarflanishini ta‘minlansin.

5.Tuman Halq deputatlari tuman kengashi kotibiyati (Z.Serikbaev) Xalq deputatlari tuman kengashi sessiyasiga tasdiq uchun kiritsin.

6.Ushbu farmoyish ijrosini nazorat qilish tuman hokimining birinchi o'rinbosari A.Tastanbekov zimmasiga yuklatilsin.

Tuman hokimi



U.Atemov